ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КОМСОМОЛГА РАҲБАРЛИК

# ВОРИСЛАР

**Навоий областида «Совет Ўзбекистони»нинг мухбири Абдурауф Қоржовов иш бошлади. Унинг дастлабки мақоласини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.**

Жунатилла Бозорбековни совхоз идорасига чақириб қолишди. «Бу йил мактабни битираётган ўқувчилардан комсомол ёшлар бригадаси тузяпмиз, — дейишди унга. — Бригадага сизни раҳбар қилиб тайинламоқчимиз. Кўп нарсани кўрган, чўлни яхши биладиган чўпонсиз. Иккинчидан, буни партиявий топшириқ сифатида қабул қиласиз».

Ёшлар, ёшлар... Совхоздами, районданми бирон йиғилиш йўқки, бу масала муҳокама қилинмасин. Аксарият ҳолларда йигит ва қизларнинг чўлда қолмаётганлиги, қолганлари ҳам чўпон таёғини тутишга жазм қилмаётганлиги ҳақида куюниб гапириларди. Бу борадаги ишларни яхшилаш тўғрисида қарорлар қабул қилинар, чўпон бўлиб ишлашни ният қилган ёшларнинг ташаббуси кенг тарғиб этиларди. Бироқ, кўпинча етарли моддий ва маънавий заминга асосланмаганлиги, ҳар томонлама ғамхўрлик қилинмаганлиги сабабли бу тадбирларнинг кўпчилиги изсиз йўқолиб кетаверарди. Бу галгиси нима билан тугар экан?!

Совхоз раҳбарларининг таклифини тинглаётган пайтда Жунатилланинг хаёлидан шу фикрлар кечди. Аммо уларнинг ҳеч бирини тилига чиқармади. Чунки, совхоз директори А. Суннетов ҳам, партком секретари Е. Қутлимуродов ҳам ёш чўпон кадрлар тайёрлаш ҳақида кўп қайғуришини, партком комсомол-ёшлар бригадаси ташкил этишни пухта ўйлаб қарор қабул қилганлигини англаб турарди.

Шундай қилиб, Ж. Бозорбеков ўтган йили совхоз марказидаги мактабни тугатган беш қиз ва саккиз йигитга бош бўлиб яйловга йўл олди. Бригадага кўкламда туғилган 2,5 минг бош қўзи ажратиб берилиб, ёш чўпонларнинг яхши яшашлари ва меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Одамлар бир-бирларини яхши билишлари учун бир пуд туз ейишлари керак, дейишади. Жунатилла партиявий топшириқни бажариб, комсомоллар билан чўпонлик қилаётганига ҳам ўн ой бўлиб қолди. Лекин ана шу қисқа давр ичида бригадир улар характерида, дунёқарашида ижобий ўзгаришлар юз берганини комил ишонч билан айта олади. Комсомоллар чўпонлик касбининг машаққатларини ва Қизилқумнинг табиий қийинчиликларини енгиш йўлида тобландилар, табиат гўзалликларини нозик ҳис қиладиган, меҳнат қувончларидан баҳра оладиган кишиларга айландилар.

Жунатилланинг ўзи ҳам ёшлар билан ишлаш жараёнида мушоҳадалари теранлашиб, улар қалбининг нозик қирраларини чуқур ҳис қиладиган бўлиб қолди. Айниқса, юлдузлар ерга яқинроқ, ёрқинроқ порлаган тунларда Робиға чалган дўмбира садосига ҳамоҳанг янграётган Пардагулнинг юракни ёриштириб, эзгу туйғуларга кўмиб юборувчи ўланларини, Бухорбой, Қуттимурод, Дюсенларнинг ҳаёт ва муҳаббатнинг боқийлиги ҳақидаги баҳсларини, шўхлик ва шодликка бой кунларни унутиб бўладими?!

— Аммо, — дейди бош чўпон, — ҳамма нарсани тушунадиган, чорвачиликнинг халқ хўжалигидаги ролини жуда яхши биладиган шогирдларимнинг ёз келгач шаҳарга, олий ўқув юртларига ўқишга кетишларини эслаб, кўпинча қуюниб, эзилиб кетаман. Чунки, парткомнинг қарорига кўра, ёшлар исташса, совхозда ишлашни давом эттиришлари ёки имтиёзли характеристикани олиб, олий ўқув юртларига ўқишга кетишлари мумкин. Агар улар ўқишга бориб, киролмасалар ҳар йили мактабни тугатиб, комсомол-ёшлар бригадасида ишлашни ният қилганларнинг сафи камайиб кетиши мумкин.

Томди районидаги Калинин номли совхознинг тажрибали чўпони Ж. Бозорбековнинг куйинганича бор. Чунки, Томди ва Учқудуқ районларида ташкил этилган комсомол-ёшлар бригадалари бир йиллик коллективлардан иборат. Хўш, бу аслида яхшими ёки ёмонми?

— Бизда чўпон кадрларга эҳтиёж катта, — дейди Калинин номли совхоз партия ташкилотининг секретари Е. Қутлимуродов. — Агар ҳар йили ташкил этиладиган комсомол-ёшлар бригадаси аъзоларидан совхозимизда икки-уч киши чўпон бўлиб қолса, шунинг ўзи катта гап. Чунки, биз шу йўл билан орадан бир неча йил ўтгач хўжалигимизни чўпонлар билан етарли даражада таъминлай оламиз. Бунинг устига ўз ихтиёри билан Қизилқумда қолган бу ёшлардан ҳақиқий чўпонлар етишиб чиқади.

Асосли фикр. Лекин ёшлар коллективларини кўп йиллик, мунтазам бригадаларга айлантириш мумкин эмасмикин? Ахир эндигина чўпонликка уқуви келиб қолган ёшларнинг чўлни тарк этиб, улар ўрнига ҳар йили эндигина мактабни тугатган йигит ва қизларни тарбиялаш ғоят оғир вазифа эмасми?

— Қизилқум шароитида бу муаммони тезда ҳал этиш жуда оғир масала, — дейди Томди район партия комитетининг иккинчи секретари Н. Ғиёсов. — Негаки, ҳали бу ерларда етарли даражада маданий-маиший шароит яратилмаган. Бир-биридан қирқ-эллик чақиримлаб нарида жойлашган ўтовларнинг аксарияти электр энергияси, газ, водопровод ва шаҳарликларнинг кундалик турмушига сингиб кетган қулайликлардан ҳам ҳоли. Ҳатто, Калинин номли совхозда ичиладиган сувни машиналарда узоқдан ташиб келтирилади...

Районимиз партия ташкилотлари ана шу қийинчиликларга қарамай чўпон кадрлар тайёрлашга ҳар доим катта эътибор бериб келмоқда. Кейинги пайтларда бу борада анча ишлар амалга оширилди. Уларнинг бири — бир йиллик бўлса-да, комсомол-ёшлар бригадаларининг фаолият кўрсата бошлаганлигидир. Бу бригадалар келажакда, албатта, мунтазам коллективларга айланади, деб ўйлайман. Бунинг учун биз — коммунистлар сабот ва матонат билан иш юритишимиз, ёшлар билан ишлашда партиявий раҳбарликнинг хилма-хил усул ва услубларидан самарали фойдаланишимиз зарур.

Малакали чўпон кадрлар тайёрлашнинг яна бир йўли — ёшларни тажрибали чорвадорларга бириктиб қўйишдир. Бу жиҳатдан Нурота ва Конимех районларида тўпланган тажриба ибратга молик. Натижада ҳозир бу районлар ёш чўпон кадрлар билан асосан таъминланган. Албатта, шу ўринда Нурота ва Конимехнинг табиий шарт-шароити Учқудуқ ва Томди районларига нисбатан анча қулайлигини таъкидлаб ўтиш жоиз бўлади.

— Чорвачиликда ёшларнинг етишмаётганлигига фақат табиий шарт-шароитнинг қийинлиги сабаб бўлаётгани йўқ, — дейди Навоий область партия комитетининг секретари Ҳ. Худойқулов. — Тўғри, қаердаки, одамларнинг яхши яшаб, меҳнат қилишлари учун етарли шарт-шароит, ғамхўрлик бўлса, ўша ерда ишлар доимо олға силжийверади. Лекин ана шундай турмуш тарзининг томирларидан ҳамиша соф, ҳаётий, жасорат ва эзгуликка интилтирувчи жўшқин қон оқиб турмаса, яъни идеология иши ғоят юксак даражада йўлга қўйилмаса, механизациялашган комплекслару замонавий фермаларнинг қадр-қиммати бўлмайди.

Дарҳақиқат, шундай. КПСС XXVI съездида, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида мамлакатимизнинг ёш гражданларида юксак меҳнат маданиятини, меҳнатга ҳурмат ва меҳр-муҳаббатни тарбияламай туриб, уларни ҳар томонлама маънавий камол топтиришни тасаввур этиб бўлмаслиги алоҳида таъкидланди. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, Навоий областида ҳам ёш чўпонларни тарбиялаш борасидаги ишда комплекс иш тутилиши лозим.

Чўлда ҳозир баҳор. Навоий областининг чексиз яйловлари улуғвор гўзаллик касб этиши билан бирга қўй-қўзиларга ҳам тобора тўлиб бормоқда. Бу эса кўплаб йигит ва қизларнинг ана шу яйловларда қолиб ишлаб, республикамизнинг энг кенжа области чорвачилигини ривожлантиришга ҳисса қўшишларини тақозо қилмоқда. Хўш, шундай экан, чўпон таёғини ким тутади, деган ҳақли савол туғилади. Бу ўй Қизилқум баҳодирларидан бири бўлган коммунист Ж. Бозорбековнигина эмас, балки ҳамма асл чўпонларни ташвишга солаётганлиги бежиз эмас.

**А. ҚОРЖОВОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

## РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ

### ИККИ БАРАВАР КЎПАЙДИ

**Бу йилги баҳор Ғазли районидаги «Жангелди» совхози чўпонларини ғоятда хушнуд этди. Ёмғир суви даштларни намга қондирди. Ўтлар бўй чўзиб, атроф ям-яшил гилам билан қопланди. Хўжаликнинг илғор чўпони Серсунбой Дербисов бу йил катта ютуққа эришди. У ҳар бош совлиқдан 205 тадан қўзи олди. Натижада чўпон ўз отарини икки баравар кўпайтиришга, боқиш учун 550 бош қўзи қолдиришга муваффақ бўлди. Хўжаликнинг бошқа чўпонлари ҳам шу каби ютуқларни қўлга киритдилар.**

### ЎРИМ ТУГАДИ

**Сурхондарё области хўжаликларида экилган ўтларнинг биринчи ўрими тугади. Бу йил баҳорда бедазорлар айниқса серҳосил бўлди. Ҳар гектар ерда ўрта ҳисобда 66 центнердан пичан тайёрланди.**

**Меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив усули ўрим ишларини муваффақиятли ўтказиш, ҳосилдорликни ошириш соҳасида ғоятда қўл келди. Янги алмашлаб экиш участкалари составида ташкил этилган хўжалик ҳисобидаги ихтисослаштирилган звенолар бу йил область хўжаликларида беда етиштириш билан шуғулланмоқда. Шу кунларда бедазорлар қондириб суғорилмоқда ва минерал ўғитлар билан озиқлантирилмоқда. Яқин кунларда иккинчи ўрим бошланади.**

### БОҒЛАР САХОВАТИ

**Фарғона областидаги Усмон Юсупов номли ихтисослаштирилган совхозда эртаги мевалар ғарқ пишди. Шуниси қувончлики, бу йил уларнинг ҳосили ниҳоятда мўл. Ҳар гектар ердан 100 центнердан мева териб олинаётир.**

**Бу йил хўжалик боғларида Украинадан келтирилган янги нав гилослардан биринчи ҳосил олинди. Бу кўчатлар шағал ерларда яхши ҳосил бермоқда.**

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ — УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

# Жавобгарлик ҳиссиёти

Меҳнат коллективлари ва уларнинг корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришдаги ролини ошириш тўғрисида СССР Қонуни лойиҳасини заводимиз ишчилари ва инженер-техник ходимлари қизғин кутиб олиб, кенг муҳокама қилмоқдалар. Цех ва бригадаларда бўлиб ўтган йиғилишларда ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Қонун лойиҳасида коллективларда меҳнатни ташкил этиш ва уни муҳофаза қилишда коллективларнинг ролини ва ижтимоий ишлаб чиқаришдаги масъулиятини оширишга доир жуда қимматли қоидалар ўртага ташланган. Буни биз партия ва ҳукуматимизнинг меҳнат коллективларига кун сайин кўрсатаётган ғамхўрлигининг ёрқин намунаси деб биламиз.

Корхонамиз областда энг йирик пахта тозалаш заводларидан бири ҳисобланади. Йилда 70 минг тонна пахтани қайта ишлаш қувватига эга бўлган заводимизда 700 киши меҳнат қилаётир. Тажриба шуни кўрсатяптики, қаерда меҳнат интизомига риоя қилинса, иш куни бекорга сарф бўлмаса, ҳар бир киши масъулиятни сезган ҳолда ҳалол ишласа, ўша ерда муваффақият бўляпти. Буни биз корхонамиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Айни пайтда заводнинг ҳар бир цех, участка ва бригадаларида ана шу тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилиняпти. Кейинги пайтларда ишчининг ҳам, инженер-техник ходимнинг ҳам ўз ишига бўлган жавобгарлиги оширилди. Масалан, ишчилар комитети раиси Мақсад Назарова, халқ контроли группаси раиси Галия Зокировалар меҳнат интизоми ва маҳсулот сифати учун жавобгар шахс ҳисобланишади. Бош механик Ҳотам Муродалиев эса механизм ва ускуналарнинг нормал ишлаши устидан назорат қилади ва уларнинг бетўхтов ишлаши учун масъулдир.

Энди бизни тўлқинлантираётган яна бир масала ҳақида. У ҳам бўлса ёш ишчилар малакасини ошириш ва уларга мураббийлик хизматини кўрсатишдан иборат. Тўғри, бу борада ҳамма жойда ҳам яхши иш қилиняпти деб бўлмайди. Биргина бизнинг бригадамизда 30 киши меҳнат қилади. Уларнинг кўпчилиги малакали бўлса-да, 40 процентдан зиёд ёшларимиз ҳали ўз касбларини пухта эгаллай олганларича йўқ. Шуни ҳисобга олиб кўпроқ ёшларга касб ўргатишга эътиборни қаратяпмиз. Йигит-қизларга касб ўргатиш, улар тўғрисида жиддий қайғураётганлигимиз туфайли ҳам ойлик планларимиз 110—120 процентга етказилиб бажариляпти. Заводнинг Шойқул Йўлдошев, Довур Назаров, Маҳмуд Йўлдошев бошлиқ бригадаларида ҳам шу тахлитда иш тутилиб, улкан зафарлар қўлга киритилмоқда. Шунга кўра Қонуннинг 18-моддасига **«Ишлаб чиқариш бригадаси коллективи бригада аъзолари малакасини ошириш учун қайғуриши, уларда коллектив тақдири ҳамда топширилган иш учун жавобгарлик ҳиссиётини тарбиялаши керак»** деган жумла қўшилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

**Муҳиддин САИДНАБИЕВ,**
**Косондаги 1-пахта тозалаш заводининг бригада бошлиғи.**

## СОВЕТ ИТТИФОҚИДА

● **МОСКВА**

**М. И. Калинин номли клубда «РСДРП иккинчи съездининг 80 йиллиги олдидан» мавзуида кинолекторий ишлай бошлади. Унинг қатнашчилари — Кунцево районининг аҳолисидир. Кинохроника кадрлари Ленин партиясининг қаҳрамонона йўли, унинг ташкил этилиши тарихи, бугунги куни тўғрисида ҳикоя қилади. Ҳозирги вақтда Москвадаги кўплаб маданий-маърифий муассасаларда кинолекторийлар ишлаб турибди. Булар тингловчиларни партиянинг социализм ва коммунизм учун кураши билан таништиради. КПСС Марказий Комитетининг XXVI съезди, 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларини амалга ошириш юзасидан КПСС фаолиятига алоҳида аҳамият берилмоқда.**

● **ЕРЕВАН**

**Ереваннинг янги уй-жой массивида Арманистонда энг катта ихтисослаштирилган «Ёз неъматлари» магазини очилди. Бу — Арарат водийсида совхозлар ва колхозлар билан бевосита шартнома асосида ишлайдиган биринчи савдо корхонасидир. Яқин вақт ичида Ленинакан, Кировакан ва республиканинг бошқа шаҳарларида шундай магазинлар очилади. «Дала — Магазин» конвейери аҳолига сабзавот ва меваларни узлуксиз етказиб беришни таъминлайди, маҳсулотнинг нобуд бўлишига йўл қўймайди, транспорт ҳаракатларини камайтиради.**

● **УЖГОРОД**

**Бу ерда клиник касалхона қуриб битказилди. Энг катта даволаш комплекси 420 кишига мўлжалланган. Унинг операция хоналари ва кабинетлари энг янги асбоб-ускуналар, шу жумладан телевизион техника билан таъминланган. Бу эса Ужгород университетининг медик студентларига тажрибали врачлар ишини кузатиб туриш имконини беради.**

● **КРАСНОДАР**

**Кубань деҳқонлари дон учун маккажўхори етиштиришни тугалладилар. Чорак миллион гектардан зиёд майдонга маккажўхори экилди. Механизаторлар ҳозир экинларни бороналамоқдалар.**

● **ҚИЗИЛ**

**Тувадаги Барун-Хемчик районининг қишлоғида механизатор ва чорвадорларнинг ўнлаб оилалари янги уйларга кўчиб ўтди. Маҳаллий кўчма механизациялашган колонна коллективи уй-жойларнинг катта бир қисмини муддатидан илгари қуриб битказдилар ва бу билан йиллик программаларининг ярмидан кўпини тўрт ой мобайнида бажардилар. «Тувинсельстрой» трестида бригада пудратини жорий этиш муваффақиятни таъминлади.**

**(ТАСС.)**

РСДРП ИККИНЧИ СЪЕЗДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

## ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг «Марказий» павильонида очилган экспозиция Коммунистик партия босиб ўтган шонли йўлни, КПСС ва совет халқининг бузилмас бирлигини акс эттиради. Бу ерда тарихий ҳужжатлар, плакатлар, ҳужжатли фотосуратлар, сиёсий адабиётлар қўйилган. Виставка В. И. Ленин Марказий музейи иштирокида тайёрланган бўлиб, РСДРП иккинчи съездининг 80 йиллигига бағишланди.

Мамлакатда мана шу шонли санага актив тайёргарлик кўрилмоқда. Иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, ўлка ва область марказларида меҳнат коллективларида ижтимоий-сиёсий ўқишлар ўтказилмоқда, «РСДРП II съездининг 80 йиллиги олдидан» мавзуида лекциялар ўқилмоқда.

В. И. Ленин Марказий музейида ёшларнинг партия ветеранлари, революция ва граждан уруши қатнашчилари, беш йиллик илғорлари бўлган коммунистлар билан учрашувлари ташкил этилди. Бу ерда пойтахт корхоналарида ҳам Ленин кунлари ўтказилмоқда.

Нашриётлар тарихий-партиявий мавзуга бағишланган адабиётларни босмадан чиқармоқда.

(ТАСС).



**Тошкент шаҳар Марказий телеграф коллективи меҳнаткашларнинг узоғини яқин қилишда барчага ибрат бўляпти. Суратда: телеграфнинг коммутатор цехи илғор телефонисткалари (чапдан): В. Абдуазимова билан Р. Абмова. Ўз иш постларида кўп йиллардан буён меҳнат қилаётган моҳир алоқачилар йилнинг тўрт ойлик социалистик мусобақасида ғолиб чиқдилар.**

**А. Тўраев** фотоси.

## «Совет Ўзбекистони»га жавоб берадилар

**«Учтепа пахта тозалаш заводининг молия-хўжалик фаолиятида камчиликларга йўл қўйиляпти». (Жиззах районлик У. Мирзалиева хатидан).**

**ЖИЗЗАХ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ**дан олинган жавобда қуйидагилар маълум қилинади:

— Шикоят хати юзасидан текшириш ўтказилди. Хатда баён этилган камчиликлар тасдиқланди. Текшириш якунлари район халқ контроли комитети мажлисида муҳокама қилинди. Учтепа пахта тозалаш заводи директори И. Мўминовга молия-хўжалик фаолияти устидан назорат ўрнатмаганлиги учун ойлик маоши ҳисобида 160 сўм пул начёти ёзилди.

**«Руцкий номли совхоздаги озиқ-овқат ва аралаш моллар магазинлари сотувчилари совет савдоси қоидаларини қўпол равишда бузмоқдалар» (Газетхон Ж. Турсунов мактубидан).**

Ушбу шикоят хати юзасидан текшириш ўтказган **БОЁВУТ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ** редакциямизга шундай мазмунда жавоб йўллаган:

— Хатда келтирилган фактлар тасдиқланди. Харидорларга нисбатан қўпол муомалада бўлганлиги, совет савдоси қоидаларини бузганлиги учун Т. Абсалемов магазин мудирлиги вазифасидан бўшатилди. Аралаш моллар магазини сотувчиси Ё. Раимқулов қаттиқ огоҳлантирилди.

«Октябрь» матлубот жамияти правлениесига сотувчилар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, совет савдоси қоидаларини бузувчиларга қарши кураш олиб бориш вазифалари топширилди.

# ҲАЁТ ТАЛАБИ

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ БУЗИШГА ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАР ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

1977 йилда қабул қилинган СССР Конституциясининг жаҳоншумул тарихий аҳамияти шундаки, у инсоният тарихида биринчи ривожланган социализм мамлакатининг Асосий Қонуни бўлиб, социалистик қонунчиликни ҳар томонлама мустаҳкамлашни кўзда тутади ва совет қонунларининг мукаммал системасини барпо этишга қаратилгандир. Ҳозирги вақтда хўжалик ва социал-маданий қурилиш талаблари асосида қонунчиликни янада такомиллаштириш ва уни кодификациялашнинг конкрет тадбирлари комплекси планли тарзда амалга оширилмоқда.

СССР Конституцияси асосида КПСС XXVI съезди кўрсатмаларига мувофиқ, сўнгги йилларда СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги қонун, СССР Министрлар Совети, СССР Халқ контроли, СССР гражданлиги тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Сайловчиларнинг наказларини қараб чиқиш ва бажариш тўғрисидаги қонунчилик актлари қабул қилинди. КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари талаблари асосида давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилиш масалаларига даҳлдор бўлган бошқа норматив актлар такомиллаштирилмоқда.

СССР Олий Совети Президиумининг «ССР Иттифоқи қонунларини СССР Конституциясига мувофиқлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида» 1977 йил 12 декабрда қабул қилган қарорига мувофиқ равишда жиноят, жиноят-процессуал, гражданлик-процессуал, ахлоқ тузатиш, меҳнат, ер, сув кодексларига, меҳнат тўғрисидаги қонунлар, никоҳ ва оила тўғрисидаги кодексларга, суд тузилиши, ер ости бойликлари, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, давлат нотариати, халқ депутатлари қишлоқ, посёлка, район, шаҳар, шаҳардаги район Советлари тўғрисидаги қонунларга, маҳаллий Советлар доимий комиссиялари тўғрисидаги Низом, Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссиялари тўғрисидаги Низомга ва бошқа жуда кўп қонунларга тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми яқинда паразитларча ҳаёт кечириш, текинхўрлик, қонунга хилоф равишда каратэга ўргатиш, гражданларнинг гўштхўр мўйнали ҳайвонларни боққанлиги учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни кўзда тутувчи бир қанча фармонлар ва қарорлар қабул қилди. Бу актларни ишлаб чиқиш вақтида меҳнаткашларнинг истаклари, уларнинг жамиятга қарши хатти-ҳаракатларига бўлган муносабатлари ҳисобга олинди.

Совет қонунчилигини янада такомиллаштириш ишлари жиноий жазо чораларининг таъсирчанлигини оширишга, ҳуқуқни бузувчиларга нисбатан уларнинг шахси, ижтимоий хавфлилик даражасига қараб табақалаштирилган ҳолда ёндашишни таъминлашга, шунингдек, ҳуқуқ бузишларининг олдини олиш практикасини ва ҳукм этилганларни қайта тарбиялашни яхшилашга, бу ишда давлат органлари, жамоатчилик ва меҳнат коллективларининг ролини кучайтиришга қаратилгандир. Бу эса хавфли жиноятчиларга белгиланадиган жазони юмшатмаган ҳолда биринчи марта енгил жиноят қилган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораларини қўлланишни кенгайтиришга имкон беради.

Жиноят кодекси янги норма билан тўлдирилган бўлиб, унда дарбадарлик ёки тиланчилик билан шуғулланувчи, ёхуд бошқача йўл билан текинхўрларча ҳаёт кечирувчи шахсларга нисбатан уларни бир йилдан икки йилгача муддат билан меҳнат-тарбия профилакторийсига юбориш тарзидаги жазолар қўлланилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Гражданларнинг текинхўрлик билан турмуш кечирганлиги учун жиноий жавобгарлик кучайтирилиб ва уч йилгача озодликдан маҳрум этиш белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг $44^1$-моддасининг янги таҳрири, агар суд содир бўлган жиноятнинг характерини ва ижтимоий хавфлилик даражасини, айбдорнинг шахсини ва бошқа вазиятларни ҳисобга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкинлиги тўғрисида хулосага келса, бундай шахс уч йилгача озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган бўлса ҳам, ҳукмни ижро этишни кечиктиришни қўлланиш мумкинлигини кўзда тутади. Бундай ҳолларда ҳукмни ижро этиш бир йилдан тортиб икки йилга қадар кечиктирилиши мумкин. Бироқ, хавфлироқ ва оғирроқ жиноятлари учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан ҳукмни ижро этишни кечиктириш қўлланилмайди.

Суд ҳукмни ижро этишни кечиктиришни қўлланар экан, маҳкум этилган шахс зиммасига маълум муддат ичида етказилган зарарни бартараф этиш, ишга кириш ва қонунда кўзда тутилган ҳамда бажарилиши унинг тузалиши ва қайта тарбияланишига ёрдам бера оладиган бошқа мажбуриятларни юклаши мумкин. Агар, маҳкум этилган шахс ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаса ёки жамоат тартибини ёхуд меҳнат интизомини бузса, у суд қарори билан ҳукмда белгиланган озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташга юборилиши мумкин.

Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 43-моддаси янги таҳрирда берилган бўлиб, у ҳам шартли ҳукм қилинганларнинг хулқ-атворини контрол қилиш таъсирчанлигини оширишга қаратилган. Агар шартли ҳукм қилинган шахс суд томонидан белгиланган синов муддати даврида жамоат тартибини бузса ёки бошқа бирор тартибни бузса, у суд томонидан ҳукмда белгиланган жазони ўташ учун юборилиши мумкин. Шартли ҳукм қилиш вақтида жарима тўлаш, маълум мансабларни эгаллаб туриш ёки маълум фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш, вазифасидан бўшатиш, етказилган зарарни қоплаш каби қўшимча жазолар белгиланиши ҳам мумкин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан республика жиноят кодексининг ахлоқ тузатиш ишлари муддатини белгиловчи қисмига ўзгартиш киритилиб, ахлоқ тузатиш ишлари икки йилгача қилиб белгиланди. Бу эса озодликдан маҳрум этиш ўрнига жазонинг бу турини кенгроқ қўлланишга имкон беради. Агар ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар иш жойида жазони ўташдан бўйин товласалар, ички ишлар органи тақдими ёки жамоат ташкилоти, ёхуд меҳнат коллективининг талаби билан суд бу шахсни жазони ўташ учун ахлоқ тузатиш ишлари билан шуғулланувчи органлар томонидан белгиланадиган бошқа жойларга юбориши мумкин. Бунда белгиланган жазони ўташдан ашаддий равишда бўйин товловчи шахсларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишларини худди ўша муддатга озодликдан маҳрум этиш билан алмаштириш тартиби ҳам сақлаб қолинган.

Жиноий жазо чораси сифатидаги жарима миқдори 300 сўмгача, ғаразли жиноятлар учун эса бир минг сўмгача кўпайтирилди. ССР Иттифоқи Қонунларида кўзда тутилган алоҳида ҳолларда маълум жиноятлар учун бундан ҳам кўпроқ миқдорда жарима белгиланиши мумкин.

Социалистик мулкни сақлашни янада яхшилашга, майда ўғирликнинг олдини олишга ва бундай ўғирликка қарши курашни кучайтиришга, гражданларни халқ бойлигини эҳтиёт қилиб асраш руҳида тарбиялашга қаратилган актлар ҳам янги таҳрирда берилди. Майда ўғирлик учун жарима миқдори оширилди. Ҳозирги вақтда бундай жарима 20 сўмдан 100 сўмга қадар қилиб белгиланган.

Шу билан бирга ўғирлаш, талаш ва босқинчилик йўли билан давлат ва жамоат мулкини, шунингдек, гражданларнинг шахсий мулкларини ўғирлаганлик учун жиноий жавобгарлик кучайтирилди.

Ғаразли жиноятлар учун жавобгарликнинг оширилганлиги мол-мулкни мусодара қилиш, маълум мансабларда ишлаш, маълум фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш каби жазоларни қўлланиш имкониятлари кенгайтирилганлиги билан ҳам таъминланади. Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси янги $166^2$-модда билан тўлдирилган бўлиб, бу модда суд томонидан маълум мансабларни эгаллаш ёки маълум фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган, лекин бу тақиқлашни бузган шахслар учун, шунингдек, уларни ишга қабул қилган мансабдор шахслар учун жиноий жавобгарликни кўзда тутади. Оғир жиноятлар учун ёки такрорий жиноятлар учун, шунингдек, олдин ҳам муддатидан илгари озод қилинган, лекин сўнг яна қасддан жиноят қилган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жойидан шартли озод қилиш қўлланилмайди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1983 йил 28 январь Фармони билан гражданларнинг шахсий мулкида кумуш ранг-қора тулки, шимол тулкиси, норка ва бошқа гўштхўр мўйнали ҳайвонларни сақлаш тақиқлаб қўйилди.

Қонунга хилоф равишда каратэга ўргатганлиги учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилди. Каратэ спорт секцияларини очиш ёки уларга гражданларни қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидаларни бузганлиги учун, ёхуд спорт қоидалари билан тақиқлаб қўйилган усулларни секцияларда ўргатганлиги учун, шунингдек, тегишли органларнинг рухсатисиз ўзбошимчалик билан каратэ усулларини ўргатганлиги учун мансабдор шахслар ёки гражданлар эллик сўмгача жарима солиш тарзидаги маъмурий жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси янги $210^2$-модда билан тўлдирилди. Бу модда қонунга хилоф равишда каратэга ўргатганлиги учун жавобгарликни кўзда тутади. Бу норма маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг икки йилгача озодликдан маҳрум этиш ёки 500 сўмгача миқдорда жарима тўлаш тарзидаги жиноий жавобгарликни кўзда тутади. Агар шахс қонунга хилоф равишда каратэни ўргатганлиги учун олдин судланган бўлса ёки шахснинг хатти-ҳаракатлари катта миқдорда моддий фойда олиш билан боғлиқ бўлса, у ҳолда суд томонидан икки йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланиши, шу билан бирга мол-мулки мусодара қилиниши ҳам мумкин.

Қонунчиликни такомиллаштириш жамиятимизнинг демократик негизларини янада кенгайтиришга, халқ хўжалигини тўғри бошқариш ва социалистик қонунчилик ҳамда ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

**Б. ОЛИМЖОНОВ,**
**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Юридик бўлимининг мудири, юридик фанлари кандидати.**

